



ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни электромобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик бўйича катта тажриба ва инфратузилма бор. Бугунги кунда 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, йўловчи ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқаришмоқда. Яна 2 мингдан зиёд корхонада кооперация асосида бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

Ўтган йили декабрда бўлган йиғилишда давлатимиз раҳбари электромобиллар ҳаёtgа тез кириб келаётганини таъкидлаб, бу соҳани ўзлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. Жорий йил январда Хитойга давлат ташрифи чоғида Президентимиз “BYD” компаниясининг бош қароргоҳида бўлди. Ушбу компания билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида гибрид ва электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳа бошланди. Компания раҳбари билан музокара чоғида яқин истиқболда ишлаб чиқариш қувватини йилга 500 минг донагача етказиш бўйича фикр алмашилган эди.

Бу замон талаб қилаётган йўналиш. Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда электромобиллар сотуви 10 баробар кўпайган. 2023 йилда импорт қилинган автомобилларнинг

35 фоизини электромобиль ва гибридлар ташкил қилган.

Шу боис, мутасаддиларга бу йўналишдаги марраларни кенгроқ олиб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. “BYD” компанияси ҳамкорларини жалб қилиб, электромобиллар учун бутловчи қисмларни ўзлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур янги тармоқда рақобатбардош бўлиш учун, энг аввало, инновация ва илгор технологиялар керак. Шу боис, Турин политехника институти, муҳандислик марказлари, илмий институт ва лабораторияларни ўзаро боғлайдиган ахлат тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, бу соҳа ривожланиши билан мутахассис ва ишчиларга талаб ортади. Яқин уч йилда бу талаб 10 мингга етиши мумкин. Шунинг учун малакали кадрлар тайёрлашни ҳозирдан бошлаш кераклиги қайд этилди.

Электромобилларни қувватлаш станцияларини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиши белгиланди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“ҚАЙҒУЛИ ЧОҒИМДА ИЛИҚ БАҒРИГА БОСИБ ОВУНТИРГАН ЖОН ЎЗБЕКИСТОН” ёхуд вақт синовидан ўтган дўстлик

Ўзбекистон ва Беларусни узоқ йиллик дўстона муносабатлар билан бирга халқларимизга хос меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва яратувчанликка интилиш каби туйғулар боғлаб келган.

Маълумотларга кўра, халқларимиз дўстлиги XIX-XX асрларда беларусь этник гуруҳи вакилларининг Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга илк бор кўчиб келган даврлардан бошланади. XX аср бошларида Туркистонга келган беларусь деҳқони Константин Писарчик ўзбек тилини яхши ўзлаштирган ва 20-йиллар бошида Қўқонда маҳаллий аҳоли учун ер тузувчиларни тайёрлаш курслари очган.

Дўстона муносабатларимиз, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида янада мустаҳкамланди. 32 нафар ўзбекистонлик Беларусни озод қилиш учун кечган беаёв

жангларида Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Биргина Самарқанд вилоятидан 500 дан ортқ аскар Брест вилояти мудофаасида иштирок этган. Бугун мутахассислар 1941-1944 йилларда Беларусь ҳудудида қурбон бўлган мингдан ортқ ўзбек жангчиси номини аниқлаган. Айниқса, Беларусни душмандан озод қилишда ўзбек жангчилари жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи “Умумий ғалаба учун” китобининг бир-галикда нашр этилгани ҳақиқатни юзага чиқариш ва келгуси авлодларга етказишда муҳим воқеа бўлди.

Давоми 2-бетда

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

УЙҒОҚ ФИКР

Шавкат АЮПОВ,
Фанлар академияси
Математика институти директори,
академик, Ўзбекистон Қаҳрамони

Жорий йилнинг 5 февраль куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳалари муҳокама қилинди, устувор вазифалар белгиланди. Йиғилишда кўтарилган ҳар бир мавзу барчамизни уйғотиши, серкак тортириши керак.

Мактабда ўқиб юрган чоғларимизда илм-фаннинг йирик намоёндалари ҳақида бизга маълумот беришмаган. Яқин ўтмишда Фанлар академиясида фаолият юритган, миллат келажагини ўйлаган олимларимизнинг каттагонга учрагани ҳақида эшитганмиз. Мисол учун, таниқли олим, академик Ҳабиб



Ҳабиб Юсупов оғон сурат.

БИЛИМ — ХАВФДАН МУНОСИБ ҲИМОЯ ДЕГАНИ

Абдуллаевнинг геология илм-фанида тутган ўрни беқисс. Унинг асосий мақсади миллий кадрлардан ёш олимларни етиштириб чиқариш эди. Сир эмас, ўша пайтларда кўп олимлар бошқа миллат вакиллари бўлган. Биз шулардан сабоқ олганмиз. Ҳабиб Абдуллаев эса ўзбек ёшларини турли илм-фан марказларига юбориб, билим олиши, олим бўлиб етишишига ҳисса қўшган. Миллий кадрлар ўсишига имконият яратиб берган. Бироқ унинг шу хатти-ҳаракати анча танқидга учради. Миллатчиликда айбаш бошланди...

Яна бир олимимиз Қори Ниёзийнинг Мирзо Улугбек астрономия мактаби ҳақидаги китоби Москвада нашр қилинган. Бу китоб ўз вақтида машҳур бўлган. Фанлар академияси президенти бўлган олим негадир ишдан четлатилди, умрининг охиригача Ирригация институти (ҳозирги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети)да кафедра мудири бўлиб ишлади. Энциклопедик олим сифатида илм-фанда унинг ўрни беқисс эди.

Нафақат математика таълими, балки тарих, маданият соҳаларида ҳам кўп китоблар ёзган. Олимнинг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмади, шунга қарамай, у барибир илм билан шугулланаверди. Айни пайтда Қори Ниёзийнинг уйда олим номи билан аталувчи марказ барпо этганмиз. Унинг номидаги стипендия таъсис қилинган.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки пайтидаёқ илм-фанга алоҳида эътибор қаратган, 2016 йилнинг сўнгги қунарида Фанлар академияси аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув соҳада туб бурилиш ясади. Ушанда ҳаммамизда фанимиз келажагига катта умид пайдо бўлган эди. Ўтган йиллар кўрсатдики, амалиётда бу

умидлар қутилганидан ҳам кўпроқ ва юқори даражада оқланмоқда. Соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар фан ва таълимни замонавий талабларга жавоб берадиган сифатга олиб чиқишга қаратилди.

Илм-фанга бу даражада катта эътибор қаратилишига қандай зарурат бор эди, деган ҳақли савол тугилади. Сабаби, дунё нотинч. Биз юртимиздаги тинчликнинг қадрига етишимиз керак. Мамлакатимиз дунёга очик, Ривожланган давлатлар билан алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Бироқ айрим давлатлардаги турлича қарашлар мустақиллигимизга, мамлакатимиз суверенитетига раҳна солишга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Бизни ўзига тортиб, “Бошқа билан дўст бўлмагин” қабилида сиёсат юритаётган давлатлар бор. Истаимизми-йўқми, бизга ҳам қандайдир таҳдидлар бўлиши табиий.

Айни пайтда халқро майдонда санкция сиёсати кенг қўлланилган. Биз бу хавфни ҳам инкор эта олмаймиз. Ассосиз сабаблар билан ғавго чиқаришга уринадиганларга нисбатан ҳушёр бўлишимиз талаб этилмоқда.

Нима учун таълим, таълим, дея бонг урармиз? Чунки билимли, салоҳиятли ёшлар эртага Ватан қорига ярайди.

Мамлакат мустақиллиги, юрт бирдамлигини сақлаш айнан билимли кадрларга боғлиқ. Шу боис, фақат четдан жалб этилган мутахассисларни ишлатиш керак эмас, балки янги технология, замонавий техника воситаларини билимли ёшларимиз, етук кадрлар ишлата билиши шарт. Юртимизда хориж университетлари филиаллари очилаётгани бежиз эмас. Бир қанча нодавлат ОТМлар фаолият юритяпти. Уларда ёшларга замонавий билим бера оладиган кадрлар ишлаши керак.

Яна бир жиҳат ҳақида тўхталмоқчи эдим. Айни пайтда фалсафа докторлиги, фан докторлигини ёқлаётганлар сони ёмғирдан кейинги қўзқориндай кўпайиб кетди. Плагиат авжига чиқди. Бу билан сифатсиз кадрлар етишиши хавфи яққол кўриниб қолди. Бизга уларнинг сони эмас, сифати муҳим. Фанда шахснинг роли жуда катта. Майли, ўн нафар олим етишиб чиқмасин, битта чиқсин, битта яхши олим юзта саводсиз, сохта олимдан кўра кўпроқ фойда келтиради.

Таълимга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўқитувчи, мураббийлар роли ошиб, улар қўллаб-қувватланаётгани тахсинга сазовор. Ўқитувчилар билими, малакасини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилаятир. Чунки дарслик яратилиши, энг замонавий асбоб-ускуналар келтирилиб, замонавий биноларни ўқувчилар ихтиёрига берилиши муаммага тўла ечим бўла олмайд. Қандай шароит яратилмасин, агар ўқитувчи билимининг сифати паст бўлса, бола билим ололмайд. Бизга фидойи, билимли устозлар керак.

Машҳур Қорақўл мактабининг собиқ директори, раҳматли Тўхтамурод Жумаев машинасини сотиб, мактабга тиккани ҳақида эшитган эдим. Мана шундай фидойи ўқитувчилар керак бизга. Айниқса, кадр тайёрлаш масаласида бунга эътибор беришимиз шарт. Бу эса мамлакатимизни нафақат ташқи, балки ички хавфдан ҳам асрайди. Ички хавф — бу яққол душманлик қилмаслиги мумкин, аммо ўз ишига сохта ёндашиб, фақат ўзини кўрсатиш учун 20-30 нафар номзод, доктор чиқардим, дейишда намоён бўлади. 10 нафар фан номзоди эмас, 1 нафар чиқарсин, билимли бўлсин. Мана,

биз математикада шу жиҳатда жуда катта эътибор қаратамиз.

Ҳозир хориж журналларида яхши мақолалар берилляпти. Скопу — иқтибос, деган нарсга чиққан ҳозир, Буни ҳам сохталаштириш бошланган. “Йиртқич” журналлар пайдо бўлди. 50 ёки 100 доллар пулингизни олади-да, бир тийинга қиммат мақолаларни чиқаряпти. Журнал хорижийга ўхшайди. Ичинни очиб ўқисангиз, тахрир ҳайъатида ўзимизнинг қоракўзлар. Нима ёзсангиз, чиқараверади. Бу ҳам хавфсизлигимизга таҳдид. Аччиқ бўлса ҳам айтмай, таҳлилларда шунақа сохта журналлар бўйича Ўзбекистон биринчи ўринда экани аён бўлиб қолди. Бу Ватанимиз обрўсига салбий таъсир қиладиган жиҳат.

Ёш математик олимларнинг бири Португалия, бири Хитой ёки Испаниядаги илмий марказлар билан ҳамкорлик қилляпти. Чунки бу олимларнинг билими бор, уларга талаб юқори. Сохта фалсафа докторларининг кимга кераги бор? Айрим олимларимиз чет элда ўша мамлакат позициясида ишляпти. Лекин улар ҳар йили энг иқтидорли болаларни ҳамкорлик доирасида олиб кетиб, ўша ерда тарбия қилляпти. Бизда бу борада муаммо йўқ.

Ўтган йили ҳамма фан жамиятларининг президентларини йиғдик. Ушанда шу масалани ўртага ташладик. “Соҳангиздан чиқаётган сохта мақолаларни вазирлик текшира олайми, олий аттестация комиссияси текширишига имконият йўқ. Уни олимларнинг ўзи назорат қилиши керак. Фанингизнинг соғлигини ўзингиз асрашингиз керак”, дедик. Биз нафақат ташқи, балки шу каби ички хавфлардан ҳам огоҳ бўлишимиз зарур.

БОЛАЛАРИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК: СОН КЕТИДАН ҚУВИБ, СИФАТНИ УНУТМАЙЛИК!


“Ўзбеклар — болажон халқ”. Биз кўп эшитган бу ибора худди турмуш тарзимизга айланиб қолгандек. Албатта, ҳеч ким биз болаларимизни яхши кўришимизни, уларга бор-будимизни беришга тайёр эканимизни инкор этмайди. Шу билан бирга, бугун замонавий дунё муаммолари ҳеч биримизни четлаб ўтмаслигини яхши англашимиз зарур.

Собиқ совет тузуми даврида кўп болали оила намунаси давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бўлган, албатта. Аввало, Иккинчи жаҳон урушидаги катта талафотлар ўрнини тўлдириш мақсад қилинган бўлса, кейинчалик марказ учун пахта хомашёси базасига айланган минтақамизда пахта терувчи қўллар, арзон ишчи кучи керак эди. Шу мақсад йўлида турли рағбатлар, “қаҳрамон она” образи шакллантирилди. Хўш, ҳозир вазият қандай? Келинг, бугунги кунимизга жамият-шунослик ва аҳолишунослик фанлари орқали илмий ёндашиб кўрамиз.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ЁКИ АЁЛЛАР ҲАМ ИНСОН-КУ...

Репродуктив саломатлик нима? Бу — репродуктив тизимдаги касалликларни (бепуштлиқ, турли нуқсонлар, саратон ва саратон олди касалликлари) бартараф этиб, эр-хотин жуфтликларини соғлом бола туғилишига тайёрлабгина қолмай, туғилган зурриётни жисмонан бақувват, ақлан зукко, ижтимоий баркамол авлод этиб тарбиялашга замин яратиш.

Давоми 3-бетда



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

АВТОМОБИЛСИЗ КУН Унинг тўлиқ татбиқ этилишига ким масъул?

Президентимиз фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, юртимизда 2018 йилда ҳар ойда “Автомобилсиз кун” тадбирини ўтказиш, 2021 йилдан бошлаб жаҳондаги мамлакатлар қатори бизда ҳам 22 сентябрни шундай кун сифатида нишонлаш белгиланган эди. Хайрли иш қўллаб-қувватлиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўша йили илк марта “Автомобилсиз кун” акцияси ташкил этилди. Наинки пойтахтда, балки вилоят ва туман марказларида ҳам муайян жойларда “Саломатлик йўлакларини” қурилиб, унинг бир қисми велосипед ҳайдовчилари учун ажратилди.

Айтиш жоиз, бу борадаги ишлар ҳозирга қадар амалга ошириб келинади. Назаримизда, бу акцияга бўлган муносабатда худди кўклам ёмғиридан кейин қўзқоринлар ҳосил бўлиб қолгандай ҳолат кузатилмоқда. Айрим вазирлик, идоралар ёки уларнинг раҳбарлари томонидан ташаббуслар кўрсатилади, тадбирлар ўтказилади. Бироқ оммавийлик етишмайди, кўпчиликнинг ушбу акцияга бепасанд қарши сезилиб туради. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўтган йил апрелда ўтказган тадбирда ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланди. Ҳайдовчиларнинг аксарияти “Автомобилсиз кун” ўтаётганини билимади, янада тўғрироғи, билишнйам истамади. Марказий кўчалардаги реклама мониторларида ёки бекатларда ҳам шу кун давомида автомобилдан фойдаланмаслигининг, велосипедда ёки пиёда юришнинг соғлигимизга ва шахримизга фойдасини тарғиб қилувчи эълон ҳамда плакатлар кўзга ташланмади...

Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“ҚАЙҒУЛИ ЧОҒИМДА ИЛИҚ БАҒРИГА БОСИБ ОВУНТИРГАН ЖОН ЎЗБЕКИСТОН”

ёхуд вақт синовидан ўтган дўстлик



Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистондаги ШХТ
Халқ дипломатияси маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган маданият ва фан арбоблари орасида янги беларусь адабиётининг асосчиларидан бири — Якуб Колас таҳаллуси билан машҳур бўлган Константин Мицкевич халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Бу давр адиб учун ижодий кашфиётлар ва ниҳоятда самарали учрашувлар билан ажралиб турди ва кейинги барча адабий фаолиятида ўчмас из қолдирди.

Тошкентда Якуб Колас кўплаб шеърлар битди. Хусусан, “Яқинларимга”, “Партизан қабири узра”, “Она Ватан ҳимоячиларига”, “Эзель”, “Дўстимга”, “Москва”, “Пистирма”, “Қарғалар”, “Эман”, “Немис дурбини”, “Қирқ иккинчи”, “Ер овози” ва бошқа асарларини шу шаҳарда ёзди. Шунингдек, “Душман билан учрашув”, “Ҳамшира Таян”, “Разведжада” ҳикояларини қоғозга туширди. 1941 йилнинг иккинчи ярмида адабнинг “Танланган шеърлар”н ўзбек тилига таржима қилинди.

Айни шу даврда Якуб Коласнинг Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуллом, Зулфия, Миртемир каби машҳур ва забардаст адиблар билан дўстлиги, яқин ҳамкорлиги бошланди. Шоирнинг ўша даврда ёзган шеърларининг аксари яна ортигига муҳаббат билан сугорилган бўлса-да, кўплаб асарларида ўзбек халқининг бағрикенглиги алоҳида ўрин олган:

Қайлиқ чоғимда илқ бағрига
Босиб овунтирган жон Ўзбекистон.
Мана шу сўзлар орқали шоир ўзбек халқининг юксак саховати, муруввати ва кенг инсоний фазилатларини тарафдан этган. Архив маълумотларига кўра, 1966 йил 26 апрелда Тошкентда Беларусь адабиёти ва санъати декадаси тантанали концерт дастури билан ёпилиши керак эди. Бироқ шаҳарни ларзага солган кучли зилзила туфайли бай-

рам тадбирини ўтказиш насиб этмади. Мана шу машъум фожа оқибатларини бартараф этиш учун Тошкентга собиқ иттифок республикалари қатори Беларусдан ҳам 2 мингга яқин қурувчи, меъмор ва турли касб эгалари келди. Шунингдек, 1966 йил май ойидан сентябргача Минск, Брест, Могилев, Гомел яқинидаги шинам оромгоҳларда тошкентлик болалар учун дам олиш жойлари ажратилди. Ўзбекистон пойтахти тикланганидан сўнг 1967 йилда Минск харитасида Тошкент кўчаси пайдо бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ишончли ва дўстона муносабатлар мутлақ янги босқичга кўтарилди. Шу ўринда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг 2018 йилда Ўзбекистонга давлат таширифи ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга расмий таширифи ҳамда дўстона муҳитда ўтган музокаралари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни, дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қисқа вақтда Ўзбекистон ва Беларусь сиёсий, савдо-иқтисодий, айниқса, гуманитар соҳадаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришда катта муваффақиятларга эришди. Тошкентда беларуслик машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Якуб Колас, Минскда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бюстининг очилгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Биргина мана шу мисол олий ва юқори даражадаги расмий алоқаларни ривожлантириш билан бирга, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни яхшилашга ҳисса қўшадиган жамоат ташкилотлари, халқларимиз маданияти, анъана ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини етказишга хизмат қилувчи муносабатлар нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эгалигини исботлайди.

Замонавий дунё воқелиги мана шундай мисоллар орқали халқ дипломатияси механизмининг янада кенг қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Табиийки, бунга олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндлари, оддий инсонлар ўртасидаги самимий ришталарсиз эришиб бўлмайди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Беларусь алоқаларининг асосий йўналишларидан бири бўлган. Кейинги йилларда икки давлат муносабатларида халқ дипломатияси ҳам сезиларли даражада ривожланмоқда.

Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази ўзининг қарийб олти йиллик фаолияти давомида ташкилотга аъзо, кузатуви ва мулоқот бўйича шерик давлатлар билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни, маданий-гуманитар алоқаларни ва ахборот соҳасида ҳамкорлиқни кучайтиришга йўнал-

тирилган кўплаб халқро тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ўзаро манфаатли, ишонч ва дўстлик руҳига йўғрилган шериклик муносабатлари беларуслик ҳамкасблар билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришда муҳим омиллардан бири сифатида кўрилмақда. Хусусан, Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази, мамлакатимизнинг Беларусдаги элчихонаси ва қатор идоралар билан ҳамкорликда Минск шаҳрида Ўзбекистон кинеси кунлари ташкил этилди. Беларуслик томошабинларга ўзбек

бон бўлган ватандошларимизнинг тақдири-ни кенг тадқиқ этиш мақсадида маълумотлар базасини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши давлат тарихи музейи директори В.Воропаев билан Ўзбекистондаги музейлар, жумладан, Тошкентдаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси билан ҳамкорлик ўрнатиш хусусида музокаралар ўтказилди. Икки мамлакат мутахассислари учун музейшунослик соҳасида тажриба алмашиш бўйича давра суҳбати ташкил этиш

Беларусь томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасига 100 га яқин сара бадий, илмий-оммабоп нашр, энциклопедиялар, маълумотнома ва фотоальбомлар тақдим этилди. Бу ўзбек китобхонага беларусь халқининг кўп асрлик тарихи, замонавий ҳаёти, маданий ютуқлари ва бой миллий анъаналари билан танишиш имконини беради.

Мамлакат мусулмонлари диний уюшмаси раҳбари, муфтий Абулқасим Шабанович билан учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идора-



киноинжодкорларининг “Илҳақ”, “Исломхўжа” ва “Сен етим эмассан” фильмлари намоиши қилинди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Беларусь Республикаси маданият вазири ўринбосари В.Громеда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар, жумладан, маданият соҳасида ҳам жадал ривожлантаётгани, шериклик муносабатлари юксак даражада эканини катта мамнуният билан қайд этди. “Беларусфильм” киностудияси бош директори В.Карачевский икки мамлакат киностудиялари ўртасидаги муносабатлар оддий ҳамкорликдан ҳақиқий дўстликка айлангани ва ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Илҳақ” фильми бунга яққол мисол эканини таъкидлади.

Беларусь Республикаси Куролли кучлари хузуридаги Ватан ҳимоячилари ва уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бошқармаси бошлиғи С.Воронович билан суҳбатда мамлакат ҳудудида ҳалок бўлган ёки бадарак йўқолган ўзбек аскарлари хотирасини абадийлаштириш, уларнинг қабрини аниқлаш ишларида ўзбекистонлик мутахассисларнинг иштироки, Беларусь ўлкасини фашистлардан озод этишда кур-

ҳамда мазкур музейларга виртуал саёҳат дастурлари бўйича алмашинувларни йўлга қўйишга келишилди.

Адабиёт асрлар давомида ҳар қандай давлат ва халқнинг ўзига хос таширф қоғози бўлиб келган. Ҳар қандай миллат вакиллариغا иззат-икром уларнинг тили ва маданиятига ҳурматдандир. Бу эса ўша миллат муаллифлари асарларини ўқишдан бошланади. Шу ўринда Беларусь Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Карлюкевич билан мулоқотда халқларимиз бадий асарларини ўзбек ва беларусь тилларига таржима қилиш ҳамда нашр этиш, академик доиралар, ёзувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида мунтазам мулоқот платформасини йўлга қўйиш, “Ўзбекистон — Беларусь дўстлик жамияти”ни таъсис этиш хусусида фикр алмашилди.

Беларусь миллий кутубхонаси раҳбари Р.Букач билан суҳбатда икки мамлакат кутубхона муассасалари ўртасида ҳамкорлиқни фаллаштириш, ўзаро китоб алмашинуви йўлга қўйиш, Беларусь миллий кутубхонасида ўзбек адабиёти фондиди ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Шунингдек,

си билан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи муҳокама қилинди. Ўзаро маънавий ҳамжиҳатлик, динлараро тотувлик, бағрикенглик, ёшларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик бўйича келишувга эришилди. Беларусда Мотуридий илмий марказини ташкил этиш бўйича амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланди. Ушбу муҳим воқеа муносабати билан ҳукуматимизнинг тегишли ҳаракат режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида марказимиз беларуслик шериклар билан биргаликда “Ўзбекистон — Беларусь: 30 йил дўстлик, ишонч ва шериклик анъаналарида” шиори остида қатор тадбирлар ташкил этди. Хусусан, Минск шаҳридаги “Дўстлик уйи”да “Ўзбекистон — Беларусь: вақт синовидан ўтган дўстлик” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши давлат тарихи музейида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасига бағишланган “Халқ хотираси муқаддас” номли архив фотолар кўргазмаси бўлиб ўтди. Якуб Колас уй-музейи Алишер Навоий

Тажриба

КЎҚДАЛАДА ҚИЗМИНГ ГЕКТАР ЕР ЎЗЛАШТИРИЛДИ

БЕКОРЧИНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

Шаҳарда туғилиб вояга етгани сабаб Жаҳонгир кишлоқ шароитини кўп ҳам тушунмайди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, ишдан бўш вақт топди дегунча, бирор жойга боришга, ўртоқлари билан дам олишга интилади. Яқинда, меҳнат таътилига чиққанди. Қиш бўлгани боис, олисроқда яшовчи курсдошиникига бориб, бир айланиб келишни ният қилди. Қўнғироқ қилиб, мақсадини айтганди, курсдоши ҳам жон-дилидан рози бўлди. Суҳбат якунида айни пайтда хашарчи кераклигини, келса, ишга ёрдами тегишини таъкидлаб, ҳазиллашган бўлди. Бу гапга унчалик эътибор бермаган Жаҳонгир қишда ҳамма бекор бўлса керак, дея йўлга чиқди.

Янги ташкил этилган Кўқдала тумани марказига яқинлашаркан, катта йўл ўртасида тарвузнинг фақатгина телевизорда кўрган каттагина хайкалга кўзи тушди. Ўнг тарафда эса баланд иморатлар бунёд этилиб, ободончилик ишлари авжида. Бир-биридан чиройли қад ростлаган иморатлар кўзни қувватлади.

Бир оз йўл юриб, такси ҳайдовчиси машина йўналишини чап томонга буриб, ҳаракалда давом этди. Ўн чақирим масофа босиб ўтилган, уни каттагина ҳовли олдига қолдиришди. Атрофга қараркан, бир зум ўтмай, шундоқкина рўпарасидаги дарвоза очилиб, курсдоши Солиҳ кўриниш берди. Олий ўқув юртида бирга таълим олиб, талабалик даврини бирга кечирган дўсти қучоқ очиб кутиб олди. Дарҳол уйига бошлади. Суҳбат қизиган вақти Солиҳнинг телефони жиринглаб қолди. У бир оз хижолат ила қўнғироқда жавоб бераркан, имкони борича тезроқ боришини, айтилган ишларини бажариб туришларини айтди. Бир пилёла чой ичгулик вақтда бир неча бор қўнғироқларга жавоб берди.

Соат миллари ҳали эрталабки 11:00 ни кўрсатмоқда. Бу пайтда далада айни иш қизғин палла. Шундай дамба уйда ўтириб бў-



Бир томонда эса қизғин иш кетаяпти. Кимдир кўчат ўтказиш, яна бирови унинг устини ёпиш билан машғул. Деярли юзга яқин киши ишдан тўхтамаётти. Солиҳ ҳам ниҳолларнинг оралиғига эътибор қаратиб, тартиб билан экиб боришни, қанча чуқурликда бўлишигача кўрса-тиб, ўзи ҳам уларга қўшилиб ишлашга тушди. Бир четда томошабин бўлиб турган меҳмон деҳқонлар ишига қизикди. Плёнка тортиш учун ярим айлана қилиб кесилган қалин металл симларни узун қатор қилиб, ерга икки учини тикиб, қотириб бораётган ёшлар сафига қўшилди. Уларга қараб, шу ишни тақорлашга ҳаракат қилди. Аммо улдасидан чиқолмади. Ёнидаги йигитча бунни бирданга англаб, унга ёрдамга келди. Энди икковлашиб симларни ерга қадаб бошлади. Солиҳ эса ўз ишига андармон бўлиб, меҳмонни унутганди.

Кўпчилик қатори меҳмон ҳам шийпон олдига келиб, юз-қўлларини ювиб, тушлик учун ўтирди. Ҳаммадан кейин келган Солиҳ

ЭРТАПИШАР ТАРВУЗЛАР УНИБ ЧИҚДИ

Солиҳ Ражабов эндигина ўттиз ёшга кирди. Ёш бўлишига қарамай, бутун Кўқдала тумани деҳқонлари орасида энг илгорлардан. Боиси, бу ҳудудга биринчилардан бўлиб эртапишар тарвуз экишини жорий этган бобоси Улуғбек Жуманазаровнинг ёнида юриб, деҳқончилик силаридадан воқиф бўлди. Мана, ун йилдирки, “Ўтамайли” маҳалла фуқаролар йигити ҳудудида ўзи мустақил ишлаб, ҳар йили ички ва ташқи бозорга эртапишар тарвузини биринчилардан бўлиб чиқариб келмоқда.

ЯНГИ НАВ СИНАБ КЎРИЛАДИ

Маълумотларга кўра, янги ташкил этилган Кўқдала тумани биринчи йилнинг ўзидаёқ экспорт қилишни бошлаб юборган. Хусусан, 2023 йилда етти миллион долларликдан ортиқ саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Бундан ташқари, уч юз миллиард сўмликка яқин жами 132 та

номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси фондида сақланаётган шоир дастхати туширилган асарларнинг факсимиле нусхалари топирилди. Тошкент шаҳридаги 35-мактабда “Асрлар шеърляти: Якуб Колас ва ёшлар овози” адабий кечаси ташкил этилди.

Минсқдаги кўчалардан бирига Иккинчи жаҳон уруши пайтида Беларусда қаҳрамонларча вафот этган ҳамюртимиз Ғуллом Ёкубов номи берилган. Бу кўчага ёдгорлик барельефи ўрнатилган ва пойтахтдаги 36-мактаб унинг номи билан аталган. Марказимиз саъй-ҳаракати билан мазкур таълим муассасаси Тошкентнинг Якуб Колас кўчасида жойлашган 110-умумтаълим мактаби билан “биродарлашган мактаблар” мақомига эга бўлди. Бу келишув икки мамлакат ўқувчиларининг интеллектуал, маданий ва маънавий ривожланишига кўмаклашиш, илгор тажриба, билим, ғояларни ўзлаштириш ва алмашиш учун яхши имкониятларди.

Яна бир муҳим жиҳат. Айни пайтда марказимиз юртдошимиз Ғуллом Ёкубов хотирасини абадийлаштириш бўйича беларуслик архитекторлар билан бирга ушбу мактаб ҳовлисига қаҳрамоннинг бюстини ўрнатиш устида музокаралар олиб бормоқда.

Фаргона вилоятининг Риштон ва Асака туманлари ҳокимликлари билан биргаликда собиқ совет иттифоқи қаҳрамонлари Мамадали Топиболдиев ва Ғуллом Ёкубовнинг қаҳрамонлигига бағишланган “Хотира — абадий, қадр — муқаддас” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофиа вазирлиги, Фанлар академияси, “Ўзархив” агентлиги ҳамда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси маъмурияти ҳамкорлигида “Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати: тарих, талқин, технология” мавзусида учинчи халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Бу йил Беларусь фашистлардан озод этилганининг 80 йиллиги нишонланди. Ушбу йўналишдаги ишларнинг давом сифатида яқинда “Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқининг бағрикенглиги, саховати ва инсонпарварлик қадриятлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Бу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад фашизмга қарши жангларда фидойилик кўрсатган Ўзбекистон халқининг муносиб ҳиссасини кенг оммалаштириш, уруш қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш, ёшларда Ватанга муҳаббат ва гурур туйғусини шакллантириш, урушнинг қонли фожиаларидан керакли ҳулоса чиқариш, тинч ва осуда ҳаётимиз энг буюк нёмаат эканини чуқурроқ англатишга қаратилган.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида халқ дипломатияси ривожига муносиб ҳисса қўшган фан, таълим, санъат ва маданият арбоблари, фуқаролик жамияти иштирокчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига марказимиз томонидан таъсис этилган “Халқ дипломати” кўкрак нишонини топирилди.

Халқ дипломатиясининг муҳим воситалари ҳисобланган бундай ташаббуслар халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, айниқса, тарихий хотира, адабиёт, санъат ва китобхонлик йўналишидаги ҳамкорлик кенгайтиришга хизмат қилади. Бугун иккала мамлакат келажакни кўзлаб, очиқлик ва ишонч руҳида, халқлар ўртасидаги вақт синовидан ўтган узоқ муддатли дўстона муносабатларни ривожлантиришда давом этмоқда. Бу халқ дипломатияси энг қудратли омил — инсоний муносабатлар, алоқалар ва манфаатлар манбаи, яхши хотира ва ишончга таянишини яққол намоян этмоқда.



лойиха амалга оширилиб, 800 тага яқин янги иш ўрни яратилган.

— Ҳудудимизда тарвуз етиштириш ихтисослашув кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди туман ҳокимлиги мутахассиси Мухриддин Абдиқоликов. — Мисол учун, 2022 йилда саккизта маҳаллада айнан шу йўналишда деҳқончилик қилинган бўлса, орадан бир йил ўтши билан улар сони ўн олтигача етди. Шунинг ортидан одамларнинг бандлиги таъминланиб, даромад топишига имкон яратилмоқда. Ўтган йили туман бўйича жами 20 минг гектар майдонда эртапишар тарвуз экилиб, 400 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди.

Деҳқонларнинг тажрибаси юксалиши ортидан ҳосилдорлик ҳам ошииб бормоқда. Масалан, авваллари битта артезиан қудуғидан икки-уч гектар экин сугорилган бўлса, бутун сув тежовчи технологиялар туфайли кўрсаткич ўн беш гектарга етказилди. Айнан томчиллатиб сугориш самарасида қўшимча саккиз минг гектар ер ўзлаштирилди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараққиёт йўли

БОЛАЛАРИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК: СОН КЕТИДАН ҚУВИБ, СИФАТНИ УНУТМАЙЛИК!

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети ректори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Биз эртага ота-она бўладиган фарзандларимизни қандай шароитда қатта қилишимиз? Уларнинг жисмонан соғлом ўсиши учун керакли витамин компонентлари ҳамда озик-овқат рақсонини (нафақат мол ёки қўй, балки балиқ, парранда, қуён гўшти истеъмолини) тўғри таъминлаб бераймизми? Айниқса, она бўлиш қизларимиз саломатлигига қай даражада эътиборимиз? Аксарият қизларимизда учраб турадиган анемия, буқоқ, тос суяк муаммоси ва бошқа ирсий касалликлар нафақат бўлгуси ёш оналар ҳаётига, балки туғилмаётган чақалоқларга ҳам хавф туғдиради. Бундан ташқари, аёл организми бир туғуруқдан кейин қайта тикланмай туриб, кетма-кет туғуруқ жараёنларини бошдан ўтказиши, 5-6 бола туғиш ҳам унинг саломатлигига жиддий таъсир қилади. Яқинда ватандош аёл бир йилда 3 маротаба ҳомиладор бўлганини эшитиб таажубландим. Биринчи фарзанд туғилганидан сўнг яна бир ҳомила тушган, сўнг учинчи ҳомиладорлик бошланган. Бу эса, ўз навбатида, келажақ авлоднинг соғлом бўлишига, миллат эртаси саломатлигига тўғридан-тўғри хавфдир. Репродуктив саломатлигини яхшилаш учун юқорида саналган хавф омилларини камайтириш, репродуктив ҳуқуқ, яъни эр-хотинни болалар сони, улар туғилишидаги оралиқ, туғилиш вақти, замонавий контрацепция воситаларидан фойдаланиш, болани кўкрак сuti билан боқишга эътибор бериш, бунинг учун шарт бўлган маълумот ва воситаларга эга бўлиш борасида асосий ҳуқуқларидан хабардор қилиш керак.

Бизда узок йиллар давомида аёлларга нисбатан шаклланиб қолган стереотип қарашларнинг (вояга етмаган, ҳам жисмонан, ҳам руҳан оила қуришга тайёр бўлмаган қизларнинг турмушга берилиши, ота-она бўлишга тайёр бўлмаган эр-хотин, кўпинча юзага келадиган қайнона-келин муносабатлари) барчаси аёл руҳий ҳолати бузилишига олиб келади. Бунинг оқибатида оилада носоғлом муҳит шаклланади ва эр-хотин бир-бирининг аламини боладан олишга ҳаракат қилади. Оилани жамият негизи деб ҳисобласак, унда вужудга келадиган бундай муаммолар жамиятнинг эртасига таъсир қилмай қолмайди.

ДЕМОГРАФИК ДИВИДЕНД

Демографик таҳлилни дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, аҳоли сони кескин ўсиши ва табиий ресурслар камайиб бориши инсоният учун янги чақирқиларни вужудга келтирмоқда. Бугун глобал муаммага айланган бораётган аҳолининг кексايиш жараёни тобора кўпроқ мамлакатларни қамраб олаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг демографик ҳолатида кескин ёшариш жараёни кузатишмоқда. Ўзбекистон Статистика агентлиги маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2023 йилда 768,1 минг кишига кўпайиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб 36 миллион 800 минг кишини ташкил этган. Бу нуфусимиз ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 3,2 фоизга ўсган, демекдир.

Бошқача айтганда, аҳолимиз сони ҳар куни ўртача 2,1 минг кишига, ҳар ойда эса ўртача 63,9 минг кишига кўпаймоқда. Статистика агентлиги шуни ҳам қайд этадики, Ўзбекистонда одамларнинг ўртача умр кўриш даври 74,3 йилни ташкил қилади.



Жумладан, эркаклар учун бу кўрсаткич 72,1 ёшга, аёллар учун 76,6 ёшга тўғри келади. Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти маълум қилишича, мамлакатимизда 2016-2021 йиллар мобайнида туғилишнинг кескин ортиши кузатилади. Гўдакларнинг дунёга келишида 25-39 ёш оралиғидаги аёлларнинг улуши катта.



Туғилишдаги асосий ўсиш учинчи ва ундан кейинги фарзандлар улушига тўғри келади. 2016 йилда 204,9 минг учинчи фарзанд дунёга келган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 325,2 мингга етган. Ушбу гўдакларнинг туғилишидаги ўсиш ҳам 25-39 ёш оралиғидаги аёлларнинг ҳиссасидир.

Туғилишнинг йингиди коэффициентини (бир аёлга тўғри келадиган болалар сони) 2016 йилда 2,46 ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 3,17 га кўтарилди.

Ўзбекистон аҳолисининг 5,4 фоизини 65 ва ундан юқори ёшдагилар (2023 йил 1 январига кўра) ташкил қилган. Мамлакат дунёнинг аҳолиси ёшариб бораётган давлатлари қаторига киради. Қайд этилишича, охириги беш йилда туғилишнинг кескин ортиши мамлакат демографик дивиденд бўсағасида турганидан дарак беради.

Демографик дивиденд бу — мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши болалар ва қариялар улушидан ошиб кетганда ва туғилиш пасайиши натижасида юзага келадиган иқтисодий ўсиш салоҳияти.



Прогнозларга кўра, туғилиш суръати 2030 йилгача бир маромда (ўртача 900-950 минг) давом этади ва аҳоли сони 41 миллиондан ошади. 2030 йилга бориб, 18 ёшгача бўлганлар ва меҳнатга лаёқат ёшдан катталар сони мос равишда 2384 минг ва 1447 минг кишига ўсиши кутилмоқда. Демографик сарқашларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Аҳолининг кескин ошиб бориши мамлакат ҳуқуқмати учун янги чақирқиларни вужудга келтиради ва бу ижтимоий соҳа олдидаги (таълим тизими — бочка, мактаб, олийгоҳ-

лар; соғлиқни сақлаш тизими — поликлиника, шифохона, туғуруқхоналар) юкломаларни кескин оширади. Иқтисодий томондан эса аҳолининг ортиб бориши нисбатан арзон ишчи кучи, тўлов қобилиятига эга харидорлар кўпайишига замин яратди. Шунингдек, макроиктисодиёт кўрсаткичлари бўйича 50 миллион аҳолиси бор давлат мустақил бо-

Дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айнан инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатлар юксак тараққиётга эришмоқда.

“ Бугун тарих бизга ноёб имконият берапти, янги Ўзбекистон фарзандларини дунёнинг баланд саҳналарига олиб чиқиш йўлидамиз. Ёшларимиз оз эмас, кўп, аммо гап сонда ҳам эмас, сифатда. Бугун дунёда инсоният хас-чўпдан унган дарактга рақам қўйиб, паспорт берапти. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг яратган олий мавжудоти бўлиши инсониятга, унинг ҳаёт тарзига, муносиби яшашига ва иқболига жўнгина қараш мутлақо нотўғридир!

зорга эга бўла олади. Лекин бунда ҳам барча соҳа каби баланс бўлиши керак. Аҳоли кескин ортиши билан бирга иқтисодиёт шунга яраша ўсмаса, таълим ва тиббиёт ривожланмаса, ўрта қатлам шакллантирилиб, қўлаб-қувватланмаса, бу аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Африка ва Осиё минтақаларининг бир неча мамлакатлари мисолида кузатишимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, демографик дивиденддан самарали фойдаланиш инсон капиталини ривожлантиришга сармоа киритишни талаб этади.

ИНСОН КАПИТАЛИ

Инсон капитали бу — инсон ва умуман, жамиятнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилмаган билимлар, кўникмалар тўплами. Инсон потенциалини ташкил этиuvi турли хусусиятлар ичидан инсон капитали айнан даромадларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатуviчи хусусиятларни ифодалайди. Шу жиҳатдан ин-



уларга бутун умрга еттулиқ руҳий жароҳат етказмадими? Бири 6, яна бири 7 нафар фарзандни дунёга келтирган кўпчилик бувиларимиз ўзи туғилиб ўсган жойидан

Бизда хоҳлаганча болаларимиз бўлади, сента нима, эртага қийналиб қолсам, давлат қилиб бериши керак, давлат қарасин, деган ёндашув мутлақо нотўғридир. Давлат шун-

Статистика агентлиги маълумотларига кўра,

2023 йилда Ўзбекистонда 961 962 нафар туғилиш қайд этилган.

Бу кўрсаткич 2022 йил билан солиштирилганда 29,8 минг нафарга ошган.

2023 йилда оилар кесимида қайд этилган туғилишлар сони:

январда — 76 211 нафар
февралда — 64 879 нафар
мартда — 73 948 нафар
апрелда — 65 787 нафар
майда — 81 138 нафар
июнда — 72 609 нафар
июлда — 95 374 нафар
августда — 97 310 нафар
сентябрда — 89 629 нафар
октябрда — 90 451 нафар
ноябрда — 80 088 нафар
декабрда — 74 538 нафар

ташқарига чиқмаганини армон билан ёдга олишини ҳозир ҳам эшитиб қоламиз.

Хўш, кўп фарзандли бўлиш орзусидаги оилаларимизда етарли жамғарма, ресурс мавжудми? Ёки улар ҳам ўзларини, ҳам фарзандларини қийнаб яшашни истайдими? Ҳозирги замонавий ёшларнинг моддий эҳтиёжлари кун сайин ортиб бормоқда. Яхши овқатланиш, замонавий кийимлар, сифатли таълим ва тиббиёт озмунча маблаг талаб қилмайди ва фарзанднинг ўз тенқуриларидан кам бўлишини истамасангиз, шу нарсаларни таъминлай олишга қодир бўлишингиз керак. Шунинг учун аҳолишунослик бўйича мутахассислар ҳозирги оилаларда 2, кўпи билан 3 фарзанд бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Чунки инсон капитали ривожини учун ҳам сифат муҳим. Фарзандларимизга сифатли таълим, замонавий билимлар, агар хунарга қизиқса, қўшимча кўникмалар бера олишимиз керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Учинчи Ренессанс пойдевори билим ва илм бўлиши керак. Бир мисол: замонавий касблар орасида IT мутахассислари жуда талабгир, ёшларда ҳам бу соҳага қизиқиш катта, фарзандимиз шу соҳада ўқиши учун ҳам замонавий компьютер қурилмаси, гаджет, смартфон, bookreader, ўқув курслари учун эса маблаг зарур. Ёшлар ўқиш ва саёҳат учун чет давлатларга чиқиши бугунги кунда оддий ҳолга айланди, бу, албатта, ёшларга фойдали, чунки хорижий давлатларда улар янги дунёқараш, қўшимча билимлар орттирмоқда ва хориждаги тенгдошлари билан ҳам ўз соҳалари бўйича рақобатга киришмоқда. Барчамиз фарзандларимизни шундай ёшлар қаторида бўлишини, албатта, истаймиз. Бунинг учун ёшлиқдан унинг таълимига, кўникмаларига пул тикишимиз кераклигини яхши англашимиз зарур. Яна бир нарсаси: миллат ота-оналари ўз фарзандлари билан мактабдан сўнг шугўлланиши даркор, 5-6 болали ота-она фарзанди билан уй вазифаларини қилишга вақти бўлармикан?

доқ ҳам ижтимоий мажбуриятларини бажариб келмоқда. Бизда кам сонли давлатлар қатори деярли бепул давлат мактабгача таълим ташкилоти, 11 йиллик бепул таълим, бепул поликлиника ва тез ёрдам хизмати бор. Буларнинг бари бизга осмондан тушгандек гўё. Аслида, улар бепул эмас. Барчаси давлат бюджетидан асосий юкломалар эканини кўпинча унутамиз. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага триллионлаб маблаг сарфланмоқда. Бизнинг юртимизда инсон капитали — инсон қадри билан уйғунлашиб кетган, десак муболага бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баладларовоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқароннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, бир ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”, деб айтган.

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Демак, таълим ва кўникмаларга эга бўлган фарзандларимиз меҳнат бозорига кириб келади. Шунда бизга улар олган таълим сифати намоён бўла бошлайди. Агар бир кунда юртимизда ўртача 2,1 минг бола туғилаётган бўлса, бу дегани — келажақда 2,1 минг иш жойи керак бўлишини аналтади. Хўш, бир кунда 2000 иш ўрни яратса бўладими? Йўқ, албатта, ҳатто дунёнинг биринчи рақамли иқтисоди бўлган АҚШ ва Хитойда ҳам бир кунда 2000 янги иш жойи яратилмайди. Чунки бу иқтисодий илжосиз нарсаси. Сиз ҳар куни янги завод ёки корхона барпо этилишини тасаввур қила олмайсиз-ку, тўғрими? Ўз-ўзидан савол туғилади: иш ўрни етишмаса, нима бўлади?

Албатта, меҳнат миграцияси содир бўлади. Глобаллашувнинг асосий омилларидан бири бу — меҳнат миграцияси. Ҳозирги кунда дунёда 150,3 миллион киши меҳнат мигранти сифатида турли мамлакатларда ишламоқда. Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳага бағишланган сўнги мажлисларида мактаб-ни битирган 380 минг ўқувчидан 180 мингга яқини олий таълимда ўқишини давом эттираётгани, қолган 200 минг йигит-қизимиз хунарсиз меҳнат бозорига кириб келадиганини куйиниб гапирганига гувоҳ бўлдим. Янги Ўзбекистон даврида ёшларимизга ҳеч қачон бўлмаган шароитлар яратилганини бутун дунё эътироф этмоқда. Таълимни ривожлантириш йўлидаги сайё-ҳаракатлардан ташқари, ёшларимизни хунарга ўргатиш учун ҳар бир туманда барча шароитларга эга мономарказлар бунёд этилди. Уларга бугунги кунда энг талабгир касб-хунарлар ўргатиб келинмоқда. Таълимда ўзини кўрмаган ёшлар, ҳеч бўлмаса, бир хунар эгаси бўлиб, ёз келажагини барпо этиши асосий мақсад.

Сабаби бизнинг ватандошлар ҳам турли ўлкаларда меҳнат қилмоқда. Иш билан ишнинг фарқи бор, деганидек, арзимаган пул учун оддий қора юмushа ишлаб қийналиш бошқа ёки майли, дипломи бўлмасин, лекин ўз хунарининг устаси сифатида 2-3 баробар кўп даромад қилиш бошқа. Ҳозирги кунда фақат диплом керак бўлган мутахассислик соҳалари эмас, балки сантехник, чилангар, электрик, лифтичи, дурадгор, тикувчи, қандолатчи ва бошқа кундалик турмушда доим керак бўладиган касб ва хунарларга дунё миқёсида талаб юқори. Ривожланган мамлакатлар — Германия, Корея, Япония, БАА ва Саудия Арабистони каби давлатлар яхши ҳақ тўладиган ишларга мингглаб ишчилар кераклигини айтмоқда. Ягона талаб ўша мамлакат тили ёки инглиз тилини билиш керак.

Хўш, бизнинг ёшлар нечта тилини билади? Совуқ юртларда қийналиб, баъзи шовинист ва скинхендлар таҳқирига учраб, кўпи билан 500 доллар ишлагандан кўра, барча ҳуқуқлари ва меҳнат қонунчилиги мавжуд ривожланган мамлакатда 2-4 минг доллар ишлаш афзал эмасми? Кеча бир хабар ўқидим: Германия давлати бизга 50 минг ишчига квота беришини маълум қилди. Хўш, шунча тилини биладиган одамимиз борми? Шунинг учун Президентимиз ўрта ва профессионал таълимда тахсил олувчилар энг камида иккита хорижий тил ва бир хунар ўрганишини куйиниб гапириб келади.

Бизнинг олдимизда жадид болаларимиз орзу қилган йўл бор. Бу — миллат келажagini йўлайдиган, ватанпарвар фарзандларини вояга етказиш йўли. Зеро, миллатимиз ойдинлари бот-бот таълим ва тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот эканини таъкидлаб келган.

Бугун тарих бизга ноёб имконият берапти, янги Ўзбекистон фарзандларини дунёнинг баланд саҳналарига олиб чиқиш йўлидамиз. Ёшларимиз оз эмас, кўп, аммо гап сонда ҳам эмас, сифатда. Бугун дунёда инсоният хас-чўпдан унган дарактга рақам қўйиб, паспорт берапти. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг яратган олий мавжудоти бўлиши инсониятга, унинг ҳаёт тарзига, муносиб яшашига ва иқболига жўнгина қараш мутлақо нотўғридир!



АВТОМОБИЛСИЗ КУН

Унинг тўлиқ татбиқ этилишига ким масъул?



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Халқаро “Автомобилсиз кун”да бир қатор тадбирлар ўтказилди, лекин яна уюшқоқлик, оммавийлик унчалик етishмади. Балки Тошкент шаҳар ҳокимияти каби бошқа идоралар ҳам эълон қилсак бўлди, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳаётга татбиқ бўлаверди, тадбирлар ташкил этилаверди, деб ўйлагандир. Амалиёт ҳали бундай эзгу мақсаддан жуда орқада эканимизни, миллий менталитетимизда “Автомобилсиз кун” худди яқинлар ош тортигандек, янги очилган замонавий дўконда чегирмали товарлар сотилгандек, чет эллик хонандлар текин концерт берганидек овоза бўлмаганини амалда кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг айни кунда муҳокамада бўлган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳасида кенг жамоатчилик вакилларининг экологияга автомобиллардан чиқинди газлар таъсирини камайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида ойнинг бир иш куни давомида транспорт ҳаракатлишини қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” тадбирини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқулланган. Бунда биноси пойтахтда жойлашган барча республика ҳамда ҳудудий ижро этувчи органларининг раҳбарлари ва ходимлари жамоат транспортда иш жойига келиши орқали аҳолига намуна кўрсатишга ургу берилган. Унинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги белгиланиши кўзда тутилган.

Назаримизда, мазкур вазифалар ижросини таъминлашда хорж тажрибасини ўрганиш ва миллий менталитетимизни инобатга олган ҳолда иш тутиш қўл келади.

Хорж тажрибасини ҳисобга олганда...

Аслида, “Автомобилсиз кун” ғояси ўтган асрнинг 70-йиллари бошида нефть нархининг кескин кўтарилиб кетиши сабабли пайдо бўлган. Орадан чорак аср ўтиб, Буюк Британияда кўчаларда автомобиллар сонини камайтириш

мақсадида концорциум тузилди ва мамлакатда дастлабки миллий акция ўтказилди. 2001 йилга келиб, бу ҳаракатта жаҳоннинг 35 давлатидаги мингдан ортиқ шаҳарлар қўшилди. Айни кунда эса бундай тадбирларда дунёнинг 1500 дан ортиқ шаҳрида яшовчи 100 миллиондан зиёд аҳоли иштирок этиши анъанага айланди. Унинг қамрови ва ўтказиш муддати ҳам ошиб борапти, аксар мамлакатларда бу тадбир ҳафта мобайнида давом этади.

Шу кунлари автомобиль ҳайдовчилари шахсий транспорт воситаларини “қантариб” қўйди, велосипедда юриш, жамоат транспортидан фойдаланиш, шунингдек, иш ва дам олиш жойларига пиёда боришни рағбатлантирувчи махсус акциялар ташкил этилади. Мисол учун, Франциянинг Париж шаҳри марказида фақат пиёдалар юриши мумкин бўлса, Англияда велотадбирларга катта эътибор қаратилади. Дунёнинг бошқа мамлакатларида жамоат транспортдан фойдаланишда ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатиш орқали бепул ёки қисман тўлов билан юришларига шароит яратилади. Кафе, ресторан ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари велосипед ёки самokatда келганларни чегирмалари билан мамнун этади. Бекатларда йўловчиларга турли хилдаги эсdalик совгалар тақдим этилади...

Тўғри, бугунги ҳаётимизни автотранспортсиз тасаввур қилиш мушкул. Лекин улар узоғимизни яқин қилиши ва бошқа қўлайликлар яратиши баробарида, чор-атроф биосфераси ва инсон умрининг кушандасига айланиб бораётганини ҳам унутмаслигимиз керак. Буни ушбу ҳисоб-китоблар ҳам тасдиқлайди. Дунёда ҳар дақиқада корхона конвейеридан битта автомобиль чиқиб турган ҳозирги пайтда унинг турдошлари кунига 3000 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўляпти. Йўллар-

даги қонда бузилишлар туфайли турли даражадаги тан жароҳати олаётганларнинг сони ундан ҳам кўпроқ. Ўзбекистондаги ҳолатни оладинда бўлсак, 2022 йилда автохалокатлар оқибатида 2350 дан зиёд инсон вафот этган, яна минглаб кишилар турли даражадаги тан жароҳати олган.

бориш учун 2 баробар кўп вақт сарфланмокда.

“Шаҳарсозлик ва йўл ҳаракатиға масъул барча бугундаги раҳбарлар “Шаҳар — пиёдалар учун” деган шиорни ўзининг асосий тамойили қилиб олиши шарт. Бунда, жамоат



Президентимиз шу йил 29 январь куни ўтказилган йиғилишда Тошкент шаҳрида тирбандлик катта муаммога айланиб бораётганини, айрим кўчаларда иш кунлари ўртacha 7-9, баъзан 10 баллик тирбандликлар кузатилаётганини, баъзиларига 2 қара кўп юкмака тушаётганини тасдиқлади. Оқибатда куннинг тигиз пайтида манзилга

транспортга ҳар томонлама устуңлик берилиши, автомобиллар эса ҳашаматта айланиши керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Автомобиллар қандай қилиб ҳашаматга айланиши мумкин?

Газетамизнинг шу йил 18 январь кунги сонида чоп этилган “Қайси куни автомобиль ҳайдамаган маъқул?” деган мақолада автотранспорт воситалари сони йил сайин ортиб бораётгани, бу, айниқса, Тошкент шаҳрида тирбандликнинг ошишига олиб келаётгани, атмосферага ўзининг салбий таъсирини кўрсатётганига доир фикр ва далиллар келтирилган эди.

Орадан кўп ўтмай, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги АС Абдуҳақимов ОАВдан бирига берган интервьюсида худди шу масалаларга доир ҳамоҳанг фикрларни билдирди.

“2021 йили Ўзбекистонда 3 миллион 200 мингта яқин машина бўлган, ҳозирги кунга келиб, бу рақам деярли 5 миллион (4 миллион 700 мингдан ортиқ)га етди. Тошкент шаҳрида ҳар куни тахминан 730 мингта машина ҳаракатланади, бундан ташқари, вилоятлардан келган автомобилларни ҳисобга олсак, 160-300 мингта яқин машина ҳар куни пойтахтга кириб-чиқади. Яъни Тошкентда ҳар куни 1 миллионга яқин автомобиль ҳаракатланади. Уларнинг асосий қисми АИ-80 бензинида юради. Машиналар сони кўпайгани, йўл ҳаракати тўғри ташкил этилмагани сабабли тирбандликлар ортади. Тирбандликда қолган машина мотори кўп

ишлаб, ҳавога янада кўпроқ зарарли моддалар чиқаради...

Умуман олганда, пиёда юриш, велосипеддан фойдаланиш имкониятлари бўйича кўчаларимизни кўриб чиқадиغان бўлсак, пиёда юриш учун йўлаклар ёки велойўлаклар деярли йўқ. Чет элда маҳаллий органлар бу борада қатъий, самарали қарор қабул қилади. Айтайлик, йўлнинг ҳар бир томони учта қаторли бўлса, шунинг икки қаторини фақат машиналарга қолдириб, бир қаторини тўлиғича велосипедга ажратади. Нимага биз шунини қилиб кўролмаймиз? Шу нарсаларни ҳам ўйлашимиз зарур. Биз бу нарсадан кўрқимиз керак эмас.

Ёки электромобилга ўтаётган аҳолимизга қўшимча субсидиялар тўғрисида ўйлайлик, енгилликлар тўғрисида ўйлайлик — бошқа давлатларда бу кенг қўланиладиган амалиёт ва биз ҳозирги кунда тез ривожланаётган давлат сифатида ҳам бундай чораларни кўришимиз, булар биз учун қандайдир имконсиз чоралар, деб ўйламаслик керак.

Мазкур вазирлик эса транспорт воситаларининг экологияга кўрсатилаётган салбий оқибатларини камайтириш мақсадида “Евро-4” стандартидан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгидан (АИ-80 русумли бензин) фойдаланишни тақиқлаш, автотранспорт воситалари тирбандлигини камайтириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ҳудудида куннинг тигиз вақтларида (эрталабки соат 07:00 дан 10:00 га ва 17:00 дан 20:00 га қадар) юк ташиш учун мўлжалланган, вазни 3,5 ва 12 тоннадан ортиқ транспорт воситалари ҳаракатини чеклашни, 2010 йилгача ишлаб чиқарилган барча тоифадаги автомобилларнинг ҳаракатлишини тақиқлаш, электромобилларга ўтиш учун имтиёзлар, преференциялар ва субсидиялар беришни йўлга қўйиш, йўлларда юзага келаётган тирбандликларни камайтириш учун тажриба тариқасида уларни “жуфт ва тоқ” кунларда бошқариш қоидасини жорий этишни таклиф қилган эди.

Айтиш жоиз, бу фикрларнинг муайян қисми “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳасида ҳам инобатга олинган. Хусусан, унда 2024 йилнинг 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, рухсат этилган тўлиқ вазни 10 тоннадан юқори бўлган N2, N3, O4 тоифага кирувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати тигиз вақт оралиқларида тақиқлини назарда тутилган. Бундай чекловлар махсус хизмат, шу жумладан, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кулачларнинг юк транспорт воситаларига татбиқ этилмаслиги белгиланган.

2030 йилга қадар Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида “ЕВРО-5” ва ундан юқори стандартларга мувофиқ бўлмаган автотранспорт эксплуатацияси босқичма-босқич чеклиниши илгари сурилган. Лекин негaдир АИ-80 бензинидан фойдаланишни чеклашга доир жиҳатлар эътибордан четда қолган. Шу боис, фармонда 2025 йилдан бошлаб ана шу тақиқ жорий этилиши белгиланса, мақсадга мувофиқ келарди. Бунинг моҳиятини А.Абдуҳақимов ўз интервьюсида шундай билдирган эди.

“АИ-80 бензини тақиқладиган, АИ-90, АИ-92 бензинига ўтиладиган бўлса, олимларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳаво сифати 40 фоизга яхшиланади. Бу — факт.

АИ-80 бензинини тақиқлагандан кейин бу ҳам ўзига яраша кимгадир қўшимча иқтисодий юк бўлади, деб айтиш мумкин, буни ҳам олдиндан билиш керак. Экология масалаларининг ечими эртaга қўшимча иқтисодий харажатлар келтириб чиқаришини яхши тушуниш лозим. Лекин бир нарсани айтиш мумкинки, биринчидан, АИ-80 бензини, ҳақиқатан, жуда токсик, соғлиққа зарар, заҳарли. Иккинчидан, АИ-80 бензини АИ-90, АИ-92 бензинидан кўра камроқ масофага етади, мой кўпроқ ейди, харажати ҳам 100 километр масофага ҳисоблаб чиқсангиз, АИ-92 билан деярли бир хил, мотор тезроқ ишдан чиқади”.

Автомобилларни ҳашаматга айлантиришга келганда, хорж тажрибаси, хусусан, Хитойда қўлланилаётган амалиёт жорий этилса маъқул. Гап шундаки, бу мамлакатда автотранспорт сотиб олиш қийин эмас. Чунки нархини уларнинг ўзи белгиланмайдиган, ЖСТнинг талаблари асосида ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хизматлар жуда қиммат туради. Бундан ташқари, Пекинда автомобилларга давлат рақамларини олиш жараёни мураккаб қилиб қўйилган. Яъни рақамини сотиб олиш учун лотереяда иштирок этиш ёки йиллар давомида кутишга тўғри келади. Ёхуд аукционда қатнашиб, 100 минг юан ва ундан юқори (13,8 минг доллар) тўловни амалга ошириш керак. Аммо бунинг учун ҳам талаблар бор: Пекинда сўнгги беш йил давомида яшаш, солиқ тўлаш, ижтимоий сугуртага эга бўлиш керак ва ҳоказо.

Ҳаво ифосиланиши ўта юқори бўлган кунларда транспорт ҳаракати учун талаблар қучайтирилиб, шахсий автомобилдан ҳафтада тўрт кунгача фойдаланиш мумкин бўлган қонда жорий этилган. Тоқ рақамли кунларда давлат рақами тоқ рақамлар, жуфт рақамли кунларда давлат рақами жуфт рақамлар билан бошланадиган транспорт воситалари ҳаракатиға рухсат берилади.

Пекин маъмурияти 2023 йилда 100 минг дона давлат рақамини чиқаришга қарор қилган бўлса, шундан 70 мингтаси электромобиллар учун берилган. Электр ва гибрид транспорт воситалари учун “яшил” давлат рақамларини бепул олиш мумкин.

Фармон лойиҳасида 2024 йил 1 мартдан бошлаб ҳудудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва ҳаво таркибида майда дисперс зарраларни белгиланган нормадан юқорилиги аниқланганда аҳолини, айниқса, юрак, қон-томир ва нафас йўллари касалликларига қалинган фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилиши, 500 ва ундан ортиқ квадрат метрлик қурилиш майдонида, унга кириб-чиқиш йўлларидан чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф қилиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилиши назарда тутилган.

Бундай чора-тадбирларни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — энг аввало, табииётни асраш, автомобиллардан чиқаётган турли заҳарли газлар орқали атмосфера-нинг заҳарлинишни камайтириш, қолaversа, пиёда юриш ва велосипедда сайр қилишни кенг тарғиб этишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

Муносабат

Янгича тизим:

Рақобат бўлади, бунёдкорлик ишлари тез ва мақсадли амалга оширилади



Козимжон АНВАРОВ,
Фаргона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон”
массиви қурилиш итаби бошлиғи

Давлатимиз раҳбари уй-жой ва коммунал хўжалиги, қурилиш, транспорт ва экология соҳаларидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳа ривожига тўсиқ бўлиб келаётган турфа масалалар ечимига тўхталиб ўтди. Унда қайд этилган барча масалалар аҳоли кундалик ҳаёт тарзи, уларнинг эртанги кунини учун жуда муҳимлиги билан эътиборни тортади. Танқидий, очиқ мулоқот руҳида ўтган йиғилишда ҳар бир тизим ва ҳар бир ҳудуд мутасаддилари аҳолининг ҳаёт сифати, турмушини яхшилаш учун қилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Фаргона шаҳрида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳарча сифатида кўпнинг эътиборини тортади. Асосийси, экологик тоза, “яшил” иқтисодиётга асосланган лойиҳалардан фойдаланимиз. Ҳар бир уй энергетикакор. Шаҳар об-ҳавосини мўътадиллаштириш, ҳудудни обиҳаёт билан таъминлаш мақсадида умумий узунлиги 11 километр бўлган канал қурилиши поёнига етди. Мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида ариқлар бетонлаштирилди, “ақлли” суғориш тизимлари ўрнатилди. Сунъий қўл ва замонавий фавворалар қурилиши якунланмокда. Етмиш гектарли “Янги Ўзбекистон” боғида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси баҳор ва кузги мавсумининг ўзида 15 мингдан ортиқ дарахт ва гул қўчати ўтказилди. Хонадонларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида 21 минг мегаватт қувватга эга маркашланган иситиш қозони қуриломқда. Шу кунга қадар дастлабки 73 та кўп қаватли уй-жой, 420 ўринли 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 990 ўринли 2 та умумтаълим мактаби, 250 қатнов ўрнига эга марказий поликлиника қурилиши битказилди.

Шу билан бирга, олимизда ечимини ку-таётган, ишимизга тўғоноқ бўлиб турган

масалалар ҳам бор. Қурилатган уй-жойлар мустаҳкам ва сифатли бўлишини мунтазам назорат қилиб бораемиз. Бундан ташқари, хавфсизлик чораларига риоя этиш, ишчи-хизматчилар малака ва маҳоратини ошириш, қурилишда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш муҳим амалларимиздан.

Видеоселекторда қурилишлар сифатини

янада яхшилаш, таннархини арзонлаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Қурилиш соҳасида ишлаётганимизга ярим аср бўлди. Лекин қурилиш иншоотлари сифати ва иқтисодий самарадорлигиға бугунгидек эътибор берилмаган. Энди лойиҳадан бошлаб объектни фойдаланишга топширун-гача бўлган барча жараёнлар янгича ташкил



этилиши белгилаб берилди. Эски ресурс усулидан воз кечилиб, ҳажм асосида ишлаш тизими жорий этиляпти. Бу бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, талон-тарожликларнинг олдини олиш билан бирга, қурилиш ишларини тез ва сифатли бажариш имкониятини оширади. Чунки ҳар қандай қурувчи ўз манфаатини қўлаб, ишни тез ва сифатли бажариш чораларини излайди. Бу жараён қурувчилар ўртасида ўзаро рақобатни ривожлантиради.

Қурилиш билан боғлиқ барча шартномалар ва иншоотни фойдаланишга қабул қилиш жараёнлари рақамлаштирилиши соҳада очиклик ва шаффофлик асосида ишлашни рағбатлантиради. Ишлаб чиқарувчи, қурувчи, назоратчи ҳам қурилиш материаллари қарерда қанча турлишнинг онлайн кузатиб борадиган янги тизим яратилгани айни муддао бўлди. Бу уй-жой ва бошқа қурилиш жараёнларида нарх-навоини сабабсиз ошириб кўрсатиш, қурилиш таннархини сунъий қимматлаштириш билан боғлиқ муаммолар ечимига асос бўлади. Шаҳар ва шаҳарчалар бош режасини ишлаб чиқишда “Менинг ҳудудим” платформаси ишга туширилиб, ҳар бир режа аҳоли билан муҳокама қилиниши ва унинг ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш тизимини йўлга қўйилиши аҳоли фаоллиги, дахлдорлик ҳиссини уйғотишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари янги уй-жойлар таннархини арзонлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Бунда қурувчи компанияларини молиявий ресурс билан таъминлаш мақсадида ипотекани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниши белгиланди. Бу қурувчиларни керакли маблағ билан таъминлашда ўзига хос имконият эшикларини очади.

2024 йил – Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Рақамлаштириш — бугунги замон талаби. У хизматлар сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ташкилот ва корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнес жараёнларини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Оддий қилиб айтганда, бу йўналиш аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш, барча соҳаларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Шу боис, кейинги йилларда замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилда таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ ҳўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилди. 500 дан зиёд янги IT компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди.

Албатта, бунда ушбу соҳага кириб келаётган ёш кадрлар салмоғи ва ҳиссаси муҳим аҳамият касб этади. Биргина мисол, 2022

бугунги кунда Россиянинг бир қатор машиний хизмат кўрсатиш тармоқларига мобил илова, сайтлар ясаб бердик. Айни пайтда юртимиздаги корхона ва ташкилотларга ҳам ана шундай хизматларни кўрсатиб келяпмиз. Ҳозир муҳим лойиҳа устида иш олиб борапмиз. Бу — кўзи очкизлар учун брайль ёзувини таржима қилиб берадиган мобил илова. Келажақда дунёни забт этадиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали юртимиздаги иқтисодий ёшлар салоҳиятини жаҳонга танитишни мақсад қилганмиз.

Умуман олганда, жорий йилда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини 20 триллион сўм, экспортни 800 миллион дол-



Ҳасан Йўлдошев оғани суратлар.

Ахборот технологиялари субъектлари учун яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида бундай корхоналар ва иш ўринлари сони, хизматлар экспорти ортиб бормоқда. Мазлумотларга кўра, 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 та бўлган, ҳозирда эса 1600 тага етган. Ушбу йўналишда яратилган иш ўринлари ҳам қисқа вақтда 10 баробар кўпайиб, 24 мингтадан ошган.

Му.gov.uz ягона портали орқали бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли ва тadbиркорлар 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда. Ижро интизоми ягона тизими — ijro.gov.uz орқали давлат идоралари ва уларнинг қўйи бўғинлари ходимлари томонидан 28 миллионга ҳужжат электрон айирбошланган.

Шунинг учун ҳам бугун IT инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш, ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш доимий диққат марказида.

Умуман, янги имкониятлар ҳисобига 2024 йилда IT хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга, биринчи навбатда, ахборот технологиялари соҳасига ёшларни қизиқтириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш, IT-рағбни халқаро миқёсга олиб чиқиш ва хорижий ваколатхоналари сониин ошириш орқали эришиш мумкин. Шу билан бирга, IT экспортини диверсификация қилиш, яъни фақатгина АҚШ ёки Европа давлатлари эмас, балки Яқин Шарқ, шарқий ва ғарбий Европа мамлакатларини қамраб олиш орқали юқорида қайд этилган кўрсаткичларга эришса бўлади.

АКТ соҳасини янада ривожлантириш ва глобал талабларга жавоб берадиган замонавий IT инфратузилмасини яратиш учун хусусий капитални кенг жалб қилиш ҳисобига рақамли инфратузилмани молиялаштиришни ошириш зарур бўлади. Бундан ташқари, IT соҳасида таълим бериш ва кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, IT инновациялар ва тadbиркорлик учун қўлай муҳит яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Эътироф этиш керакки, кейинги йилларда Ўзбекистон АКТни ривожлантириш ва ра-

13 ЁШИДА ОЙИГА 250 ДОЛЛАР ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ДАСТУРЧИ

IT соҳасини ривожлантиришда ҳал қилувчи кучга айланаётганлар



ларга етказиш, тармоқларда 130 та ахборот тизимини жорий қилиш ва 750 та давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси белгиланган.

Оқорида қайд этганимиздек, ҳар бир соҳа ривожига кадрлар тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Мазкур йўналишда ҳам худди шундай. Бу борада “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантқиқий давомии сифатида uzbekcoders платформаси орқали “Coursega” онлайн курсларида ёшлар учун таълим олиш имконияти яратилди.

Мазкур онлайн курсларда 400 мингдан ортиқ ёшлар рўйхатдан ўтиб, 200 мингга яқини дастурлаш йўналиши бўйича тегишли сертификатга эга бўлди.

Кейинги уч йилда IT ўқув марказлари сони 300 дан ошди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олиб, сертификатга эга бўлган ёшлар сони 1 миллион 200 минггача ташкил этди. Халқаро IT-сертификатларга ўқиш харажатларини 50 фоизгача қоплаб бериш йўлга қўйилди. 215 минг нафар ёш халқаро онлайн курсларни битириб, сертификат олди. Буларни давом эттирган ҳолда, келгуси йилдан бошлаб ҳар йили 5 минг иқтисодий йиғит-қизни саралаш, ўқитиш ҳамда халқаро меҳнат бозорига тайёрлаш тизими жорий этилади.

Ҳоразмлик дастурчи Арслонбек Абдуллаев ҳам бу соҳани чуқур ўрганиб, бугун яхшигина даромад топтомоқда.

— Тўққиз йилга яқин хорижда чилангар бўлиб ишладим, — дейди А.Абдуллаев. — Бир дўстим мазкур соҳани ўрганишни таклиф қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бу борада яратилаётган шароит ва имкониятларни айтиб берди. Шундан кейин IT соҳасини ўрганишни бошладим ва 5-6 ойда яхшигина ўзлаштириб олдим. Шундай кейин “Maab Innovation” компанияси ишга олди. Икки йилдан буён ана шу компанияда фаолият олиб борапман. Бир ойда 800-1000 доллар атрофида даромад топаман.

Энди ўзингиз ўйланг. Ота-онадан, оиладан узоқда, ўзга юртда мусофирчиликка юриб, бу пулни яқини ҳам топтоладим. Энг ачинарлики, у ердаги камситилиш, оғир меҳнат, самарасиз, мақсадсиз кечган умрни нима билан қиёслаш мумкин? Бир йиллаб ўйни, яқинларимизни кўрмаган пайтларимиз бўлди. Бу азобларни сўз билан ифодалаш қийин. Ҳозир оилам, ота-онам бағридаман. Фарзандларим тарбияси, ўқиши билан шуғулланаман. Севимай ишим, уй-жойим бор. Мен билан бирга ишлаётган тенгдошларимнинг кўзиданги эртанги кунга ишонч, қатъиятнинг кўриб, ҳурсанд бўламан. Қани энди буни олдинроқ англаб етганимда, бугунгидек имкониятлар бўлганида.

Ёшларга айтмоқчи бўлганим, ҳозир ушбу соҳа сирларини чуқур эгаллаб, хоҳлаган хориж компаниясида бемалол ишлаш мумкин. Асосийси, ўзига ишончи бўлса, ўз компаниясини ташкил этиш учун ҳам зарур барча шароит бор. Бундан фойдаланиш керак. Зеро, вақт жуда тез ўтиб кетаяпти, эртага рақобат кескин кучайиб, бугунгидек имкон бўлмаслиги аниқ.

Қайд этиш керакки, бугун мазкур йўналиш нафақат йиғитлар, балки хотин-қизлар учун ҳам қўлай ва сердаромад соҳага айланди.

Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бораётгани эса қувонарли, албатта. Ана шундай ёшлардан бири Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси Зухра Абдурашова.

— Бу соҳага кириб келишдан олдин қаерга ишга кирсам, қанча даромад топар эканман, деб кўп ўйлардим, — дейди З.Абдурашова. — Лекин ITни ўрганганимдан кейин тушуниб етдимки, бу йўналишда тинмай меҳнат қилсангиз, ҳам даромад, ҳам ўз ўрнингизга эга бўларкансиз. Инсон ўз ўрнига эга бўлгандан кейин, албатта, у ерда яхши даромад олади ва ҳурмат қозонади. Ҳозир банк соҳасида фаолият кўрсатяпман. Шу кунгача олган билимларимни аниқ лойиҳаларга қаратяпман. Мақсадим хориждаги энг илгор компанияларда тажриба ошириш. Юртимизга қайтиб, ўзбек қизларига дастурлашни ўргатиш, бу соҳада ўзларини топишга кўмаклашиш.

Фаолиятимни бошлаган пайтларим 200-300 доллар даромад топан бўлсам, ҳозир бу кўрсаткич минг доллар атрофида. Қизларга, дугоналаримга айтмоқчиманки, ҳеч нарсадан қўчманг, ITни пухта эгаллаб, юқори даромадли касб эгасига айланинг.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам мамлакатимизни минтақавий “IT-HUB”га айлантириш мақсади белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳаларни рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимини ривожлантириш каби кўп омилларни талаб этади.

Стратегиянинг 33-бандида ёшлар ўртасида IT соҳасини янада омаллаштириш ҳамда хизматлар экспортини ошириш мақсадида мазкур соҳада 300 минг нафар ёшнинг иш билан таъминлаш, мактаб ўқувчиларини халқаро IT бозорига талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини кенгайтириш ва ҳар йили 15 минг нафар энг иқтисодий ёшларни нфўзлий халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишларда ҳам бугун самарали ишлар, катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Сурхондарёлик Моҳирбек Ҳушбоқов 13 ёш бўлишига қарамадан бугун унинг ўз касби ва даромади бор. Моҳирбек “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини тугатиб, ойига 250 доллар миқдорда даромад толяпти.

— Дўстларим билан вилотимиздаги IT паркида борганимизда бу соҳага қизиқиб қолганман, — дейди М.Ҳушбоқов. — Дарсдан бўш пайтларимда ана шу ерда дастурлаш тизимларини ўрганидим. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида махсус сертификатга эга бўлдим. Ҳозир 4-5 тенгдошимни ёнимга олиб, буюртмалар қабул қилишни бошладик. Келажақда эса 300-400 кишига таълим берадиган IT академиясини ташкил этмоқчиман. Бугун юртимизда бу борада барча имконият бор. Шундай экан, ундан тўғри фойдаланиш орқали орузимизни амалга ошириш мумкин.

Оқоридаги мисоллардан кўриниб туридики, IT даги имкониятлар ёшлар учун кенг йўл очмоқда. Бу соҳани эгаллаш учун ўғил-қиз бўлиш ёки ёшнинг аҳамияти йўқ. Фақат инсонда хоҳиш, интилиш ва аниқ мақсад бўлса, бас. Бу ёшлар бугун нафақат юқори даромад толяпти, балки халқаро майдонларга кириб бормоқда. Энг асосийси, имкониятлардан тўғри фойдаланяпти ва эндиликда уларнинг сафи янада кенгайди.

Мамлакатимизда алоқа инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳа ривожини учун қўшимча шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Жумладан, IT компаниялари ҳудудлардаги бўш турган биноларга бир йил муддатга бепул жойлаштирилади, иқтисодий дастурчиларга бир йил ичиди бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техникалар берилади ҳамда 50 дан ортиқ IT мутахассисини ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи харажатининг 15 фоизгача қисми қоплаб берилади. Шу билан бирга, экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб қилиш, халқаро конференцияларда қатнашиш харажатларининг 50 фоизи компенсация қилинади.

қамлаштириш соҳасида, айниқса, электрон давлат хизматларини кўрсатишда юқори натижаларга эришди. Шу билан бирга, Жанубий Корея, Россия, Эстония, Хитой билан давом этаётган ҳамкорлик билан бир қаторда, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Япония каби технология жихатдан ривожланган давлатларни мамлакатнинг IT секторига жалб қилиш, халқаро ҳамкорлар географиясини диверсификация қилиш зарур.

Бундан ташқари, ягона электрон ҳужжат алмашишининг жорий этилиши вазирлик ва идораларнинг энг қўйидан то марказий аппаратгача бўлган тизимини қамраб олиб, уларнинг ички тизимини оптималлаштиришга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим масалалардан бири, бу — давлат органларини рақамлаштириш. Бугун рақамли технологиялар замон талабига айланиб бўлди. 2023 йил 20 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз рақамлаштиришга эътибор қилмаган раҳбар коррупцияга қарши курашишга интилмаган, дея баҳоланади, деб алоҳида қайд этган эди. Чунки бундай ташкилот замон талабидан келиб чиқиб ривожлана олмайд.

Бугунги кунда рақамлаштириш борасида яхшигина тажриба тўпланган. Лекин шунга қарамай, соҳада илгор хориж тажрибаси асосида тизимни янада такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, рақамлаштириш соҳасини янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим драйвери сифатида қаралмоқда. Бу йўналишдаги устувор вазифалар ижроси эса қўзланган катта мақсадларга эришишимизга хизмат қилади.

Шу билан бирга, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш ва технологиялардан фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, рақамли экотизим, IT инфратузилмаси ва электрон хизматларга инвестициялар миллий иқтисодиётини янада модернизация қилиш ва барча соҳалардан инклюзив ўсишни жадаллаштиришга амин яратиши.

Мустақил ҳаётга йўлланма

Ёшларни келажақка тайёрлаётган маскан

Бобур Ражабов Нукус шахри ёшлар марказидаги “Бизнес” клубга тасоввур ва тушунчаси йўқ эди. Клубда икки ой мобайнида бизнес-режа, бизнес-ғоя, банк кредитлари, маркетинг, солиқ ва реклама тўғрисида дастлабки маълумотларга эга бўлди.



Орадан бирмунча вақт ўтмай, Бобур ўзининг “RVJ” компаниясига асос солди. Чет давлатлардан санаот асбоб-ускуналарини олиб

келишни йўлга қўйди. Шунингдек, “Берекетли нан” бренди остида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. У нафақат маҳаллий бозорга, ҳатто Россия ва Қозғоғистонга ҳам ушбу бренд остида ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. Энг муҳими, тadbиркор 30 кишини иш билан таъминлади.

— “Бизнес” клубимиз 2020 йилда ўз фаолиятини бошлаганди. Tadbиркорларга бизнесте оид дастлабки қўникмаларни ўргатиш билан бирга, ишбилармонлар иштирокида маҳорат сабоқлари ҳам ташкиллаштиряпмиз, — дейди “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи Гаҳвар Режепова. — Ҳар бир курсимизга 30 нафаргача ёшлар қабул қилинади ва тadbиркорликнинг барча сир-синоатлари ўргатилади. Tadbиркорларимиз маҳорат дарсларини ўз тажрибалари асосида ўтади.

Бугунга қадар 200 дан ортиқ битирувчимиз ўз тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Масалан, “Саўқеле” бренди билан



миллий либослар ишлаб чиқараётган дизайнер қизимиз Дилназ Адилчаевани чет давлатларда ҳам яхши танишди. Ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган клуб битирувчиларига имтиёзли кредитлар, субсидия ва

ортириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғарақлар ташкил этилган. Жумладан, “Ёшлар замонавий рақис”, “Робототехника”, “IT марказ”, “Немис тили”, “Бизнес клуб” ва “Шахмат” тўғарақлари қорақалпоғистонлик ёшларни кенг қамраб олмақда.

Мазкур бинода фаолият кўрсатаётган “SIRIUS IT Akademy” марказидаги машгулотларда қатнашдик.

— Компьютер саводхонлиги, SMM, мобилография, робототехника, график дизайн йўналишлари бўйича курслар ташкил қилганмиз, — дейди марказ менежери Алпамис Аҳидбеков. — Курсларимизда қатнашувчилар сони чегараланган. Аммо қизиқувчилар кўп.

Халқимизда “Тил билган эл билади” деган нақл бор. Нарғиза Шаниязова шу нақлга амал қилиб, “Ёшлар маркази”даги “Немис тили” тўғарагига 9 ойдан буён сабоқ олади. У хорижий тилини мукаммал эгаллагач, Германияда ишлашни режалаштирмоқда.

— Тўғарагимизда 9 та гуруҳ мавжуд бўлиб, жами 100 га яқин ўқувчи немис тилини ўрганаётган. Асосан, жамоат соломатлиқ техникаларида ҳамширалик иши йўналишида таълим олаётган ёшлар жалб қилинган, — дейди тўғарак раҳбари Айнура



Есназарова. — Кўпчиликнинг хабари бўлса керак, Ўзбекистондан Германияга ёшлар ишга таклиф этилмоқда. Талаба ҳамшираларимиз немис тилини ўрганиб, ушбу давлатда ўз касби бўйича ишлашни мақсад қилган.

Замон талабига мос марказ фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”, деб беихтиёр ҳавас қилганингизни сезмай қоласиз. Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасидаги тўғарақларга ташириб буюрувчи ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса яратилган шароитлардан нафқирон авлод вакиллари қониқиб ҳосил қилаётганидан далолат. Марказ ҳақиқий ёшлар масканига айланган, десак муболага бўлмайди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Олтин фонд

Тирилди сиз билан ЎЗБЕК МАҚОМИ

“Шашмақом” — барҳаёт мусиқа уммони



Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига мусиқий хазинамиз — “Шашмақом” ҳам киритилган. Бу билан фахрланамиз, унинг миллий мусиқамиз пештоки экани ҳақида бонг урамиз, лекин аксариятимиз “Шашмақом”, тўғрироғи, мақомнинг ўзи нима эканини тушуниб етавермаймиз.

Арабча сўз бўлган “мақом”, аввало, истиқомат ўрни, турар жой, дам олиш жойи маъноларини беради экан. Мусиқа атамасида маълум мусиқа товўшларининг ўрнашган жойи бўлса, куй маъносиди ишлатиб келинадиган мақом мазмунан ўзаро боғлиқ бўлган, такрорланиб, бир-бирини тўлдириб турадиган мумтоз мусиқа асарлар жаммуи, мумтоз мусиқа иходиётининг етук туркум жанри ҳисобланади.

“Шашмақом” — олти мақом экани маълумлиги ҳолда, у ўз-ўзидан шу тарзда шаклланиб қолмаганини, унинг ярилишида XVIII асргача “Дувоздох мақом” — ўн икки мақом асосий ўрин тутганини ҳам ҳамма билавермайди. Аслида, Марказий Осиё халқлари маданиятида тахминан XI-XVII асрларда яшган ўн икки мақом XVIII аср ва айниқса, XX асрда ҳар томонлама ривож топиб, олти мақом — “Шашмақом” кўринишига келди. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сеғоҳ ва Ироқ деб номланувчи бу мақомлар ўз ичига жами 250 дан ортиқ турли шаклдаги чолғу ва ашула йўлларини олади. Олти мақомнинг ҳар бирида олтиттадан ўннгагача чолғу куйлари, қирқтадан элликтагача ашула йўллари бўлиб, бир-бирини тўлдириб турадиган 300 дан ортиқ асар жамланган. Ҳар бир мақом икки йиррик бўлим — туркумлар (Мушқилот ва Насрдан иборат. Улар мустақил мавзуларга эга бўлса ҳам, бир-биридан кўп фарқланмайди. Ижро учун етакчи чолғу танбур ҳисобланади, чунки мақомлар шу чолғу билан созиладди.

Асосан, оғзаки анъанавий ижод этилган, сақланган, сайқал топган, авлоддан-авлодга “устоз-шогирд” услубида ўзлаштирилган “Шашмақом” XX асрдан ёзиб олина бошладди, илмий ўрганилди. 1923 йили рус композитори Виктор Успенский бухоролик мақом усталиридан “Шашмақом”ни европача нотада ёзиб олган. — Бу миллий дурдонамиз ўз-ўзидан бутунгидек мукаммал, ахлит ҳолга келиб қолмаган. Марказий Осиё қадимдан маданият ўчоғи, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машҳур эди, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустам Абдуллаев. — Ҳаётини мусиқа билан чамбарчас боғлаган мақом санъатининг етук билимдони ва ижрочилари бўлиш Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғани, Левича ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, самарқандлик Ҳожи Абдулазиз Абдураулов, тошкентлик Мулла Тўйчи ҳофиз ва Шораким Шоумаров бу мероснинг тарғиботчилари сифатида тарихда қолди.

Ўзбек мақомларининг етук билимдони, академик Юнус Ражабий эса мақом ижрола-

рини такомиллаштирган, уларни кенг оммага етказишда жонбозлик қилган. У “Шашмақом”ни тўлалигича нотага туширди ва ёзиб олди, кейинчалик китоблар ва грамёзувлар шаклида нашр эттирди.

“Шашмақом”нинг шаклланишида жуда кўп мусиқашунос олимлар тер тўккан. Миллий мусиқамизнинг биринчи академиги, мусиқий “Хамса” — беш жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси” китоби муаллифи Юнус Ражабий уй-музейида бўлганимизда, профессор Рустам Абдуллаев айтганидек, биз ҳам унинг чинакам мақом санъати фидойиси эканини англаб етдик. Буёқ санъаткорнинг “Шашмақом”дек мусиқий меросимизни нота билан ёзган иш столидаги ўчирғич, қалам, мусиқий ижод машаққатига бир ишора эканини ҳис қилдик. Зеро, беш жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси”дан ташқари олти жилдлик мукаммал асарни яратиш осон кечмаган. Бу ноёб асарлар, Юнус Ражабийнинг куйлар чалиб нотага олган қадрдон дутори, ўқиган ва ёзган китоблари аччиқ чой билан ўтказилган бедор тунларнинг жонсиз гувоҳларидир. Шу маънода, Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий отасининг “Шашмақом” билан боғлиқ фаолияти ҳақида бизга ҳикоя қилиб берди.

— Мусиқий дурдонамиз бўлган “Шашмақом”ни Юнус Ражабий Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида ижод этган номдор, уста мақом ижрочиларининг созу овозларини тинглаб туриб ёзиб олган, — дейди Ҳ.Ражабий. — Бу фаолиятта у ўзбек мақомлари борасида орттирган катта тажрибаси, устозлари кўрсатмаларига суянган ва ижодий ёндашган ҳолда киришган. Бунинг самараси ўлароқ, Юнус Ражабий 1959 йилда Ўзбекистон телерадиоси хузурида ўзи тузган Мақомчилар ансамбли ижросида беш йил давомида “Ўзбек



мақом асарларининг 3-4 хил вариантини бир-бирига солиштириб, энг мукаммал ва оригиналини қайта ишлаши ҳам санъаткорнинг ўз ишига бор меҳрини берганидан далолат. Баъзи мақом қисмларининг куй жумлалари тўлмагандек туюлган жойларига тузатишлар киритган. Баъзан Юнус Ражабийнинг ўзи томонидан басталанган янги тароналар, талқинлар, соқийномалар ва уфурлар ўша куйларнинг давоми сифатида ижро этилиб, нашр қилинган тўпламлари қаторига киритилди.

Аллома мақом матнини танлашда мумтоз шеърятимизнинг энг нодир, халқчил асарларидан ва ўзбек халқ оғзаки иходиётидан нихоятда усталик билан фойдалана олдики, бу борада унга катта ёрдам берган шогирди Исҳоқ Ражабовнинг куйидаги эътирофини келтириш kifоя: “Юнус Ражабийдек газал

да, бу бебаҳо тўплам 1966 йилда бутун дунё халқларига ҳам армуғон этилди. Қарабизки, ўзбек мақомлари шухрати қардош Озарбайжон, Арманистон, Қозғистон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Югославия, Руминия, Олмония, Япония, Америка, Туркия, Арабистон ва бошқа чет давлатларга ҳам тарқалиб кетди. Шунинг учун 1973 йилда “Ўзбектелефильм” томонидан ишланган тўлиқ метражи “Шашмақом” фильми доврғи ҳам бутун дунёга ёйилиб, катта совринларни қўлга киритган, зўр олқишларга сазовор бўлганди.

Юнус Ражабийнинг мақомларимизни нотага олиш, уларни бойитиш борасидаги барча машаққатлари — қаҳрамонона меҳнат. Айни меҳнат ортидан ўзбек мақомларининг гўзал ва бетакрор ижро ёзувлари яратилдики, олти мақом олтин меросга айланди. Академик санъаткор “Ўзбек халқ мусиқаси” ва “Шашмақом”ни яратишда қимлар унга ёрдам берган бўлса, ўшаларга қулўқ қилди, эъзозлади, таъзим келтирди. Шунингдек, уларни ардоқлаб, номларини оламга ёйди. “Шашмақом” ўзбек халқининг ўчмас, надфис мусиқа асарлари, олтин меросимиз бўлгани ҳолда, Юнус Ражабийнинг мумтоз мусиқамиз бобокалони, мақом алломасига айлантирди.

— Китобни яқинда қайта нашр эттирдим. “Ўзбек мақомлари” — “Шашмақом” сарлавҳаси билан катта ҳажмда 2007 йилда ЮНЕСКО ташкилоти ҳисобидан ҳам нашр этилди. Бунинг учун Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ваколатхонаси бошлиғи Майкл Барри Лейнга Ражабийнинг сулоласининг чексиз миннатдорлиги ва ташаккурини билдириб, — деди суҳбат сўнггида Ҳасан Ражабий.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари, ўлкамизда ашайдиган турли миллатлар, айниқса, тожик халқи ва бухоро яхудиylари орасида “Шашмақом” чуқур ўзлаштирилган. Улар ҳам ушбу дурдоналарнинг ривож топишига ҳисса қўшган. Тожикистонда ҳам “Шашмақом”нинг ўзига хос шева ва услубларда янграши, у ерда мақомчилар ансамбли тузилиши, “Шашмақом” китобларининг нашр этилиши фикримизни тасдиқлайди. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, ўзбек мақомлари форстожик ғазалиёти билан ҳам ўзига хос жозибали куйлаб келинган. Бу эса икки халқнинг ҳар жиҳатдан муштарақ яшашига ҳизмат қилмоқда. Юртимизда Хоразм, Бухоро, Фарғона — Тошкент мақом йўлларида ижод қилаётган мақомчиларнинг муносиб издошлари етишиб чиққани қувонарлик. Мақом йўлларининг ўзи алоҳида бир мавзу бўлгани боис, бу борада кенгроқ тўхтилишни дилга туқканмиз. Зеро, “Шашмақом”нинг моҳиятини англаштиш учун қанча-қанча китоблар ёзилмади, илмий ишлар олиб борилмади, дейсиз.

Ҳозирча ҳулосамиз шуки, “Шашмақом”ни бутунгича ҳолга келтириш нечоғлиқ мушкул бўлганини ҳис қила олган киши Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдуллоҳнинг куйидаги мисралари шунчаки ёзилмагани, Юнус Ражабий қатори ўзбек мақомини тиклаш йўлида жонбозлик қўрсатган барча мусиқашунос олимларга қарата айтилганини ҳам англаб олади:

Киши хизмат қилар элга, яшар у
Ҳаммаша ёдланиб унвону номи.
Улуғ иш қилдингиз боилинки тўплаб,
Тирилди Сиз билан ўзбек мақоми.

Қадрият



Шоберди бахши БОЛТАЕВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси

Сўз, соз, овоз ва юртга муҳаббат

Сурхон томонларда азалдан бахшчилик санъати бир маромда — баъзан жонланиб, баъзан сокин ривожланиб келган. Бу санъат бахшининг кўлидаги дўмбираси ва овози билан оғиздан-оғизга ўтган. Отам Болта Алиев дўмбира чалишда моҳир бўлгани бахшчилик ҳаётим ва қисматимга айланишига зўр туртки берган. Дўмбирани чиройли чертишни ундан ўргандим. Куйни бахшчилик йўлида “нағма” дейишди. Отамдан 32 та нағма мерос қолди.

Бугун 80 ёш довидан ўтиб турган меннинг асл дардашим, суячим — дўмбира, оҳим — шу нағмалар бўлди. Инсон сифатида дардларини ўзгаларга айтишни ёқтирмайман, дўмбирани айтман, дўмбира эса элга айтади. Ҳаёлга толганимда, ҳаёт ўринишларидан озор топганимда, ижода берилганимда дўмбира чертаман. Куйларимнинг ҳар қайсиси маълум бир воқеликни, ҳодисани, туйғунни, кечинмани ифода этади. Бундан бир яйрайман, бир яйрайман, губорларни унутаман.

Йигирма ёшлардан ўтиб, Термиз шаҳри томон эдим. Институтда ўқирканман, Хушбўқ бахши Мардонақуловдан дoston ва термалар айтиш сирларини ўргандим. У пайтда бахшига душмандек, эскиликнинг давомидек қарашлар бўларди.

Илк бор айтган термам ҳам “Ойпар” бўлган. Кейинчалик уни Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов замонавий услублар уйғунлигида маромига келтириб ижро этди. Дўмбира менга 70 йилки ҳамроҳ. Азалдан дўмбира замоналар оша яшаб, устоздан шогирдга, авлоддан-авлодга ўтиб хизмат қилган.

Қўлимда бир дўмбира бор. Бу дўмбира отамнинг қўлига тушганига, хонадонимизга кирганига тўқсон йил бўлди. Ясалганига эса бир асрдан ошган бўлса, ажаб эмас.

Элда “Бойсуннинг Мунчоғидан бир бахши чиқибди. Дўмбирани сайратишга уста экан”, деган гаплар тарқалиб, давраларга пинҳона-пинҳона қақира бошлашди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Мунчоқ қишлоғидаги мактабда ўқувчиларга кимё ва биология фанларининг сабоқ берадим. Кейинчалик алкимёғар янглиг чин сўз ва соз, оҳанг уйғунлигини топиш илминги билан бахшчилик соҳасига буткул ўзимни бағишладим.

Бугун ҳар доим қишлоққа келганимда мактабга йўл оламан. Шогирдларим ва уларнинг ўқувчилари билан дилдан суҳбатлар қураман.

Мен учун Ватан ўз оилам, тугилиб ўсган Мунчоқ қишлоғимиз, унга тушта Қоровултепа адирликлари ва Бойсунтоғдан бошланган, сўнг кенгайиб боради, Сурхондарё, бутун Ўзбекистон қадар кенгликдаги замин у осмон, қадрдон халқ, набототу ҳайвонот дунёсигача табаррук ва азиз...

Дунёнинг 34 мамлакатига бўлдим. Қайси юртда ижодий сафарда бўлмайин, юртнинг қай қўлида яшаб меҳнат қилмайин, ҳаммаша Мунчоқ қишлоғида қолган табаррук ота уйим томон талпинаман.

Мени элларга танитган Ўзбекистонни куйлаш умрининг мағзи ва мазмунига айланиб қолган. Мўъжазгина қишлоғимизда юзлаб меҳмонларни қабул қилдим ва имконин борича меҳр билан кузатдим. Мамлакатда давлат раҳбари ташаббуси билан мансабдорлар куйига қадар тушиб,

аҳоли муурожаатлари билан ишлай бошладим ва бу йўналишда тизим яратилди. Эл фаровон, юрт обод ва янада тинч бўлди. Кунларнинг бирида дилимда яна бир оғриқ ғалаён қилди. Бу дард аввалгидайин ижод дарди эмас, эл дарди-ташвиши эди. Бундан олис йиллар муқаддам Мунчоқ қишлоғи дарёнинг ҳаётини томониди, кейинчалик сув танқислиги боис, ҳозирги ўрнида бунёд бўлган эди. Бироқ қишлоғим аҳлининг тўқчилиги дашт даладар, энг асосийси, қишлоқ қабиристони нариги томонда қолиб кетганди. Дарёнинг айни баҳор мавсумидаги тошқинлари оғриқли бир ташвиш эди. Кўнглимга элнинг огирини енгил, узогини яқин қилиш учун кўприк қуриш ишқи тушди. Не-не амалдору тадбиркорлардан кўприк қуриб беришни сўраб, ёрдам ололмаган эл аввалига ишонамади.

Имкон изладим, элнинг тўйини ўтказдим. Тўйдан топганимни элга атадим. Мунчоқдарёнинг икки томонини боғловчи йирик кўприк солдик, ана шунда мунчоқликларнинг узоқ йиллик дардлари ариди. Қабиристон — ибратхона. Кимки ердан оёғи узилса, қабиристон ёнидан ўтсин. Дунёнинг бор ҳулосаси шунда. Мунчоққа келганимда, албатта, бори ақинларим ётган қабиристонга келаман.

Эл қизик-да! Эл мени кўпичина Шоберди бахши, дейди, шарифим билан айтмайди. Мен бундан хафа бўлмай қўйганман. Боиси, эл ўзига яқин олгандир да... Изимдан юрганлар, сабоғимдан олганлар орасида тўрт шогирдим Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси бўлди.

Термиз шаҳрида фаолият бошлаган Республика бахшчилик мактабининг очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан бўлган учрашувдан сўнг кўнглим тоғдек юксалди. Хали яна кўплаб шогирдлар тайёrlаб бериш кераклигини англадим. Шогирдларим сони 50 дан ортиқ. Олдимга келиб, “Мен сизга шогирдликка тушман” деса, “Дўмбирани ушлашингни кўрсат, сўзининг мағзини чақ, овозингда дард, юрагингда Ватанга бўлган муҳаббат борми?” дейман!

Бахшчилик санъатида ҳам тўрт нарса муҳим бўлади: сўз, соз, овоз ва юртга муҳаббат. Бахши оқинининг ҳикмати, тўғдонавор сўзи матнида, қўлида нағма қилаётган дўмбирасининг дардчил куйида, бўғиқ, аммо ёқимли овозида, энг муҳмини, ҳаммасини ўзида боғлаган, жамлаган қалбиди муҳаббатиди бор гап. Шундагина кейинги йилларда қайта юз оча бошлаган бахшчиликдек ноёб санъатимиз боқийлик сари янада юз тутаверди.

Инсон тугилмасидан олдин ота-она ва Ватан унинг пешонасига битилиши ҳақидаги ҳикматга ишониб, мен тақдиримдан розиман.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН
МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун булани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 13 январда 1047-рақам булани рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 402.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида бошлан. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 21:15 Тошпирилди — 01:30